2024-yil 31-oktabr, payshanba

№131 (5039)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Куннинг муҳим воқеалари

Шавкат Мирзиёев **«Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»**ги қарорни имзолади.

Ҳужжатга биноан 2023 йил 14 сентябрь куни Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида имзоланган Марказий Осиёда ерусти транспорти ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги битим тасдиқланди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан **Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди.

Аутстаффинг – иш берувчи томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномалари, шунингдек, жамоа келишувларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш учун бошқа юридик шахсларга вақтинча юбориш орқали кўрсатиладиган хизмат туридир.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **«Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолида ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»** қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ, Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

* * *

Ўзбекистон ва Иордания **авиация маъмуриятлари ўртасида Англашув меморандуми** имзоланди.

* * *

Тошкентда **ШҲТга аъзо мамлакатлар халқ дипломатларининг I халқаро конгресси** бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, БАА, Россия, Покистон, Тожикистон ва Туркиядан ҳамкор ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва идоралар ходимлари, Тошкентдаги дипломатик корпус ва миллий маданий марказлар вакиллари иштирок этди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси **Аманбай Оринбаев Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги вакилларини қабул қилди.**

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Жаҳон банки грант маблағларини жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Пойтахтимизда **«Жаҳон криминологиясининг илғор тажрибалари»** мавзусида I халқаро форум бўлиб ўтди.

* * *

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази директори Б.Холматов ва Туркманистоннинг «Туркменавтоулаглари» агентлиги раиси ўринбосари В.Хожанепесов бошчилигида учрашув бўлиб ўтди.

Томонлар Ўзбекистон миллий юк ташувчиларининг Туркманистон ҳудуди орқали ташувларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифларни муҳокама этишди.

* * *

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг яна бир янги лойиҳаси – **«Олтин қаламли журналистлар» китобининг илк намуна нусхаси нашрдан чиқди.** Ушбу китобга 50 нафарга яқин устоз журналистларнинг айни кунда матбуотимизда камайиб кетаётган фельетон, очерк, журналистик суриштирув, эссе каби 8 та журналистик жанр бўйича энг сара материаллари киритилган.



«Ishonch» мухбири Б. ҲАЛИМОВ олган сурат

Ташриф

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР НИГОҲИДА

Шу кунларда юртимизда бўлиб турган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси делегацияси мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолияти, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда.

29 октябрь куни меҳмонлар Федерация тасарруфидаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида бўлиб, у ердаги шароитларни кўздан кечирдилар ва академия ҳовлисига дарахт кўчати ўтказдилар.

Меҳнат муносабатларида ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ҳар доим долзарб вазифа ҳисобланади. Корхона ёки ташкилотнинг ишлаб чиқариш қуввати бевосита ходимларга бўлган муносабатга боғлиқдир. Академия ҳам меҳнат бозорида иш берувчи ва ходим ўртасида адолатли муносабатни таъминлайдиган мутахассислар тайёрлаш мақсадида фаолият юритиб келмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу илм даргоҳи энг сўнгги замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологиялар билан таъминланган. Ҳозир бу ерда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ижтимоий иш, инсон ресурсларини бошқариш, психология, менежмент ҳамда меҳнат ҳуқуқи йўналишларида 300 нафардан ортиқ талаба кундузги, 700 нафардан зиёд талаба эса сиртқи бўлимда таҳсил олмоқда. Таълим жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил этилган бўлиб, талабаларнинг ўзлаштириши замонавий педагогик усуллар орқали баҳоланади. Академияда 33 та ўқув аудиторияси, 3 та маъруза зали, 15 ўринли 6 та компьютер хонаси, 50 ўринли электрон кутубхона, спорт зали ва 328 ўринли талабалар ётоқхонаси мавжуд.

Меҳнат муносабатлари академияси меҳмонларда катта



таассурот қолдирди.

Делегация аъзолари шундан сўнг «Янги Ўзбекистон» боғидаги Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйишди ва ушбу маскан ҳақида батафсил маълумот олишди.

Делегациянинг кейинги манзили «UZTEX GROUP» МЧЖ қўшма корхонасининг Чирчиқ филиали бўлди. Бу корхона ўз фаолиятини 2010 йилда 540 нафар ишчи билан бошлаган бўлса, бугунги кунда 6 минг 400 нафар ходимни иш билан таъминлаган. Улардан 2 минг 310 нафари айнан Чирчиқ филиалида меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 46 та давлатга экспорт қилинади. Ходимлар учун бепул транспорт, тиббий хизмат ва овқатланиш каби шароитлар яратилган бўлиб, жамоа шартномасидаги барча имтиёзлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

– Ўзбекистоннинг ўзига хос буюк тарихи бор. Бунга, айниқса, «Янги Ўзбекистон» боғида яна бир бор амин бўлдим, – дейди IndustriALL Глобал иттифоқи Бош котиби ўринбосари Кемал Озкан. – Бу жой гўзал ва муҳташам, таърифига тил ожиз. Қолаверса, Меҳнат муносабатлари академиясидаги озодалик ва ҳар бир деталга дид билан ёндашув мени ҳайратда қолдирди. Ушбу таълим муассасаси ҳорижнинг энг замонавий ўқув даргоҳларидан қолишмайди. Умуман, ташриф таассуротлари бир олам. Олдинда биргаликда амалга оширадиган ишларимиз кўп. Уларнинг уддасидан чиқишимизга ишончим комил.

Делегация аъзолари «Махам-Чирчиқ» АЖда ҳам бўлиб, касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишдилар. Корхонада 6 мингдан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда, шундан 659 нафари касаба уюшма фаоллари ҳисобланади. Уларнинг фикр ва таклифлари асосида тегишли қарорлар қабул қилинади ва ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этилади.


– Касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиш учун иккита корхонада бўлдик, – деди Люк Триангл. – Ҳар икки жойдаги фаолият юқори даражада ташкил этилган. Хотин-қизлар, кекса ва ёш ходимлар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган таҳсинга сазовор. Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатларини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

«Делегация 30 октябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлди. Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раҳбарияти ҳамда касаба уюшмалари фаоллари билан учрашиб, ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикр алмашдилар. «SamAUTO» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат муҳофазаси ва яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Ўз навбатида, «Амир Темур» мақбараси, «Регистон» майдони, «Боқий шаҳар» мажмуаларида бўлишди.

Ташриф самарали ва ёркин таассуротларга бой бўлди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
Мирнодир МИРАКМАЛОВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

Хорижлик ҳамкасб эътирофи



Холид Ийод ЖУЪАЙД,
Саудия Арабистонининг «Swift News» электрон нашри бош директори:

«ISHONCH» МЕНИ ҲАЙРАТЛАНТИРДИ»

Саудия Арабистонининг «Swift news» нашри бош директори Холид Ийод Жуъайд 30 октябрь куни «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти билан танишди.

Меҳмон ижодий ходимлар билан мулоқот қилиш асноси ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Таҳририят билан яқиндан танишар эканман, катта таассуротларга эга бўлдим, – деди у. – Айниқса, ижодий ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар менга жуда манзур бўлди. Таҳририят муассисининг нашр ишларига хайрихоҳлиги ишнинг самарадорлигига хизмат қилаётгани газетанинг адади, ёритилаётган мавзулар кўлами кенглигида ҳам кўриниб турибди.

Айниқса, таҳририят ўз ўқувчилари билан тез-тез учрашиб, мулоқот ўтказиши, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асосида кейинги йўналишни белгилаши мени ҳайратлантирди. Хулосам шуки, «Ishonch»-дан кўп нарсаларни ўрганса бўлади.

Амир АҲМЕДОВ

Қувончбек ТЎРАЕВ олган сурат

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Касаба уюшмаси аралашгач...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашига Чиноз туманида яшовчи фуқаро Н.Ибрагимовадан шикоят келиб тушди. Унда қайд этилишича, Чиноз тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиниканинг катта ҳамшираси лавозимида ишлаган бу аёл ишдан асоссиз бўшатилган.

У ИШДАН АСОССИЗ БЎШАТИЛГАНДИ



Ҳолат тегишли тартибда ўрганилди. Аниқланишича, ходимга ишдан бўшатилишидан олдин икки хил сабаб билан, яъни дастлаб поликлиникада электрон база ишламаган пайтда кечикишга йўл қўйилгани учун «ҳайфсан», иккинчи марта эса қўл остидаги ходимлар фаолияти устидан назоратни сусайтиргани учун ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима ушлаб қолиш интизомий жазолари қўлланилган. Шундан сўнг, у меҳнат интизомини мунтазам равишда бузган деб топилган ва 2024 йилнинг 4 июлидан иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бунга Меҳнат кодекси 161-моддасининг 2-қисми 4-банди, касаба уюшмаси розилик баённомаси, интизомий қилмиш учун хизмат текшируви ҳамда огоҳлантириш хати асос қилиб кўрсатилган.

Ўрганиш давомида Н.Ибрагимованинг лавозим мажбуриятлари кўриб чиқилди. Унда электрон базани назорат қилиш ушбу ходимга юклатилмагани маълум бўлди. Шу боис интизомий жазо нотўғри қўлланилган, деб топилди. Қолаверса, хизмат текшируви ўтказилган пайтда ходим меҳнатга лаёқатсиз бўлгани, касаба уюшмаси йиғилишига таклиф қилинмагани аниқланди.

Пировардида Н.Ибрагимова асоссиз ишдан бўшатилган, деган хулосага келинди ва иш берувчига уни ўз лавозимига тиклаш бўйича тақдимнома киритилди.

Кўп ўтмай меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди ва ходим ўз ишига тикланди.

Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори

29 000 000 сўм ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНМАГАН ЭДИ

Фарғона вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг диспансер бўлими врач невропатологи Дилбархон Абдуллаева шу йил март ойида иш ўринлари қисқариши сабаб ишдан бўшатилади. Аммо унга тўланиши керак бўлган «расчётный» пуллари негадир тўланмайди.

У бу масала бўйича бир неча марта иш берувчига, ҳисобчига учрашади. Барибир фойдаси бўлмайди. Охир-оқибат Д.Абдуллаева Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти кенгашига арз қилди.

Унинг мурожаати ўрганиб чиқилгач, иш берувчига тақдимнома киритилди. Шундан сўнг иш берувчи масалага жиддий ёндашиб, Дилбархон Абдуллаевага ишлаган даври учун тўланиши лозим бўлган 29 миллион 232 минг сўм иш ҳақини тўлиқ тўлаб берди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

ЛОҚАЙДЛИК САБАБ...

фаррош тўрт ой маошсиз қолди

Андижон вилояти Улуғнор тумани тиббиёт бирлашмасида 0,5 ставка фаррош вазифасини бажариб келган Гулбаҳор Азимовага 4 ойлик иш ҳақи сабабсиз тўланмайди. Бундан норизо бўлган саришталик бекаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига арз қилади.

Кенгаш томонидан иш берувчига ёзма кўрсатма берилади. Лекин тақдимнома иш берувчи томонидан эътиборсиз қолдирилади. Шундан сўнг Г.Азимова манфаатини кўзланган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судига даъво аризаси киритилади.

Суд иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилгани ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслигига ойдинлик киритди. Якунда фаррош аёлга тўланмаган 14 миллион 798 сўм иш ҳақини ундириб бериш лозим, деган тўхтамга келди.

Тўғри, ҳақиқат қарор топди. Лекин ҳаминқадар ойлик маош ҳисобига кун кечирадиган фаррош аёлга вақтида иш ҳақи берилмагани унга қанчалар қийинчилик туғдирганини, албатта, унинг ўзи билади.

Шаҳобиддин ДЕҲҚОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Жиззах вилояти Арнасой тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида ишловчи 12 нафар ходим қўшимча меҳнат таътили тўловлари борасида мурожаат қилишди.

Мазкур масала Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Жиззах вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Обиджон Раҳматов томонидан ўрганиб чиқилганда, уларнинг талаби тўғри экани маълум бўлди. Шундан сўнг иш берувчи номига ходимларга ҳақларини тўлаш юзасидан ёзма кўрсатма киритилди.

Бироқ касаба уюшма кенгаши кўрсатмаси бажарилмади. Иш судгача борди. Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро суди 12 нафар ходимга қўшимча меҳнат таътили тўловлари учун жами 38 284 956 сўм ундириб бериш юзасидан қарор қабул қилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

САЛКАМ 64 МИЛЛИОН...

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси йўл ишчиси Беҳруз Баротов 2022 йил 15 июль куни иш вақтида кутилмаган йўл- транспорт ҳодисасига учради.

Таассуфки, иш вақтида орттирилган бу жароҳат учун иш берувчи томонидан ҳеч қандай компенсация пуллари тўланмади.

Қайта-қайта муолажа олса ҳам, соғлиғи аввалги ҳолига қайтмаган Б.Баротов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашига манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, арз қилди.

Мурожаат кенгаш мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Қоровулбозор тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасасидан жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарни ундириш, шунингдек, ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш мақсадида Когон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Масала суд томонидан кўриб чиқилиб, унга кўра, Б.Баротов фойдасига 63 982 294 сўм ундириб берилди.

Азиз АМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти кенгашига Қўшкўпир тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг бир гуруҳ ходимлари ойлик маошига қўшимчалар тўғри тўланаётганини ўрганиб беришни сўраб, мурожаат қилдилар.

УСТАМА ТЎҒРИ ТЎЛАНМАГАН

Шу асосда ўтказилган ўрганишда иш берувчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 276-сонли қарори талаблари бузилгани аниқланди. Хусусан, 2020 йил ноябрь ойидан 2024 йил май ойигача бўлган даврда зарарли шароитда ишлаганликлари учун қўшимча устама маблағлар қўшиб берилмагани маълум бўлди.

Белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд даъво-аризани қаноатлантириб, ҳал қилув қарори қабул қилди. Унга кўра, иш берувчи томонидан саккиз нафар ходимга йиллар давомида тўланмай келинган 70 миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди.

Ҳалилулла ИСОҚЖОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Турмуш чорраҳаларида

УМИД – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК!

МАҲЛИЁ 38 ЁШДА. ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ УЗОҚ ҚИШЛОҚЛАРДАН БИРИДА ЯШАЙДИ. АЙНИ ПАЙТДА ЁЛҒИЗ БОШИ БИЛАН 3 НАФАР І ГУРУҲ НОГИРОНИНИНГ ҒАМХЎРИ, ҲАМ ҚАРОВЧИСИ, ҲАМ БОҚУВЧИСИ.



...Ўшанда у йигирма ёшлар нари-берисида эди. Ҳар доимгидай эрта тонгдан туриб булоқ бошига борди. Челаклаб сув ташиб, идишларни тўлдирди. Кўчадаги ариқчадан сув олиб ҳовлига, дарвозаси олдига чангбосди қилиб сепди. Кейин тартиб билан супурди. Озода бўлган ҳовлига бир меҳр билан боқди-ю, ёлғизгина сигирининг тагини тозалади, суғориб, емишини берди. Сўнг нонушта тайёрлашга киришди. Орада чоғроққина томорқасидаги экинларга ҳам ишлов беришга улгурди. Сингилларини уйғотди. Онаси ва сингиллари билан бирга нонушта қилишгач, тўкилган олма мевалари-ни териб, бўлакларга бўлди, саватга солиб қуёшга қўйди. Шу пайт дарвоза тарафдан учтўрт аёл қора бериб, томоқ қирди. У зарли қуроқ дастурхон ўралган тоғора кўтариб олган аёлларни танимади, бироқ «Ҳойнаҳой, совчилар бўлса керак», дея тусмоллади. Югуриб ичкарига кирди. Онасини чақирди. Ўзи эса дераза пардаси тирқишидан секин мўралади. Юраги тез-тез урар, юзлари ловлов ёнаётганини ҳис этар, бу ҳолатидан ўзи уялар, ҳаяжонини ҳеч енголмасди. У барча азоблардан қутулдим деб ўйлар, ўзининг машаққатли ва аламли болалигидан, ғам-қайғуларидан халос бўлаётгандек ҳис этар эди...

Унинг болалиги осон кечмади. Икки ёшида онасидан жудо бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, отаси янгидан турмуш қурди. Ўгай она жажжигина Маҳлиёга икки сингил туғиб берди. Ҳали мактаб ёшига етмай ота ҳам бу дунёни тарк этди. Ўгай она уни, ёш бўлишига қарамай, рўзғорга дастёр, ўзига хизматкор қилиб олди. Боз устига, ҳар бир ишидан айб топиб койир, қишдаги қор, куз ва баҳордаги ёғингарчилигига қарамай, ишлатар эди. Кичик синглиси руҳий хаста эди. Энагалик ҳам унинг зиммасига тушганди. Энди кўча-кўйда болалар уларнинг устидан кулиб, калака қилишарди...

Сал кучга тўлгач, қизгина кунлик ишга ёлланиб, оғир жисмоний меҳнатлардан силласи қуриб, чойчақа топиб келар, уни ҳам рўзғорнинг камига ишлатар, ҳолдан тойган кўйи, уй юмушларини якунлаб, алламаҳалда ухлаб қоларди. У турмушга чиқса, елкасидаги ташвишлари арийди, деб ўйлар, ибо-ҳаё билан ўзича салобатли, келбатли йигитларни бир-бир хаёлидан ўтказиб қўярди. Келган совчилар ҳам унинг бахт эшикларини очишини, янги ҳаёт сари олиб боришини жуда-жуда истарди.

Бироқ кутгани бўлмади. Совчилар Маҳлиёга эмас, синглиси, шу йили мактабни тамомлаган Дилбарни сўраб келишибди. Ўгай онасидан бу гапларни эшитар экан, шўрликнинг устидан совуқ сув қуйилгандай бўлди.

...Синглиси сўралдими, Маҳлиёнинг эл ичида бир «гап»и бор. Ким билсин, сўраб-суриштирган бўлишса, қўшнилар беҳуда таъриф бердимикан ё онаси Дилбарни мақтаб, атай ўз қизининг бахтини кўзладимикан?! На аммалари, на холалари шу ерда бир жиянким, жигаримнинг бир парчаси яшайди деб йўқламаса, ўз кунини ўзи кўриб, мушт ва зўравонликнинг захмидан эзилибгина улғайган Маҳлиё яна тақдирга тан берди. Ўзи кўниб бўлган қисмати ортидан жимгина эргашиб, доимгидай кундалик юмушлари билан андармон бўлди.

Қўшни қишлоққа узатилган Дилбар тушган жойида тошдай қотмади. Куёв бўлмиш ичкиликка муккасидан кетган, рўзғор билан иши йўқ эди. Ичиб келиб, ҳар куни урар, кун бермасди. Ҳомиладорлигида қаров яхши бўлмагани учун тез-тез тоби қочиб қоларди. Фарзанди – қизалоқ дунёга келгач, онаси қизини уйига олиб келиб, парваришлай бошлади.

Кунларнинг бирида ярим тунда кўчадан маст ҳолда келган куёв ичкарига кириб, тўшакда ётган Дилбарни ҳақоратлай кетди. Ўртага она қўшилди. Куёв Дилбарни ҳам, қайнонасини ҳам ўласи қилиб калтаклади...

Кейин куёв узоқ йилга қамалди. Дилбар билан онаси эса тўшакка михланиб қолди. Шундай қилиб, Маҳлиё бир йўла уч нафар ногироннинг «энага»сига айланди. Жиянига севимли хола бўлди. Меҳнаткаш қиз маҳаллада обрў топди. Унинг ишчанлиги, меҳрпарварлиги тилдан тилга кўчди. Эшигини йўқлаб совчилар кела бошлади. Бироқ онаси ва сингилларини ўйлаб Маҳлиё турмушга чиқмади.

Маҳлиё ўгай онаси ўтказган зуғумларга қарамай, уни ва сингилларини оқ ювиб, оқ таради. Дўхтирлар кўригидан мунтазам ўтказиб турди. Нафақаларини тежаб ишлатди.

Мамлакатимизда бошланган инсонпарварлик сиёсати бу оилани ҳам четлаб ўтмади. 2017 йилдан бошлаб уларнинг хонадонидан мутасаддилар хабар олиб туришди. Онасига махсус каравот, синглисига дори-дармондан ёрдам қилишди. Икки хонали уйини таъмирлаб, ҳомийлар ёрдамида махсус жиҳозлар билан таъминлаб беришди.

Маҳлиё билан гаплашсангиз, унинг келажакка умиди сўнмаганини ҳис этасиз. Гаплари дадил, кўзларида ҳаётга бўлган муҳаббат жилваланиб турганини кўрасиз. Энди у озғингина вужудида улкан дард билан ўзидан оғир челакларда сув ташиб келаётган қизалоқ эмас, қирққа яқинлашган, турли оғир синовларда тобланган, чайир ва меҳнаткаш инсон қиёфасида гавдаланади. У гулларни севади. Ҳовлида турли анвойи гуллар етиштиради, райҳон экади. Кичиккина томорқасига ишлов бериб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиради. Беморларнинг чойшабини кунлик алмаштиради, уст-бошини ювиб, озода сақлайди.

– Шу ёшга етиб, ҳаётнинг пасту баландидан ўтиб, англадимки, умид – энг катта бойлик экан, – дейди у. – Вақтлар бўлди, ҳаёт қийинчиликлари жонимдан ўтганида биров ҳол сўраб келармикан, деб остонага термулдим. Лекин йиллар мобайнида бу эшик очилмади. Шунга қарамай, мен умидимни сўндирмадим. Энди бегона одамлар эл ташвишидан ортиб, йўқлаб, кунимизга яраб турибди. Яна нима керак, биздай одамларга?!

Дарвоқе, Дилбар секин-секин юра бошлабди. Қизалоғи 3-синфда ўқийди. «Катта бўлсам, ҳоламга кўп яхшиликлар қиламан», дейди у. Ўгай она ҳам бир-икки сўзни айтиб, фикрини тушунтиришга уриняпти. Демак, уларнинг соғайишига умид қилса бўлади. Маҳлиёнинг ўзи айтганидек, умид – энг катта бойлик!

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Муҳокама учун мавзу

БИЗ ПУЛНИ НИМАЛАРГА САРФЛАЙМИЗ?..

Пул топмаяпмиз эмас, топяпмиз. Катта-кичик давраларда баъзан «Замонадан нолиш инсофдан-мас, бу кунларнинг шукрини қилиш керак. Қимир-лаган жон борки, қозони қайнаб турибди. Фақат «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» қабилида яша-ётганлар учун кун кўриш қийинроқ кечяпти. Боқи-беғам, тепсатебранмаслар қандай даврда ва қан-дай шароитда яшаса ҳам, норозилик учун баҳона топади» деган гаплар айланиб юради.
Майли, уларни қўя турайлик. Жисмоний, руҳий дангасалик, боқимандалик кайфиятини ўзига сингдирган бандалар – булар бошқа масала. Аммо манглай тери билан топган пулларини ўрни-ўр-нида оқилона сарфлаш ўша маблағ эгасининг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам катта аҳамият касб этади. Бугун шу ҳақдаги мулоҳазаларимни Сиз билан баҳам кўргим келди.



ҚАЕРДАСАН, ЎРТОҚЖОН, БОҒДАМИ, ТОҒДА?..

Санобар исмли дугонам бор, параллел синфда ўқиганмиз. Ўша кезлар бир-биримизга мактаб-дошликдан ҳам мустаҳкамроқ бир ришталар билан боғланган эдик. Тақдир тақозоси билан икко-вимизнинг ҳам туз-насибамиз мана шу шаҳарга сочилган экан, неча йилдан буён борди-келди қиламиз.

Санобарнинг турмуш ўртоғи Тоҳир ака ирригатор олим, тўрт фарзанди бор. Биргаликдаги ҳаётларининг дастлабки йилларида, ёш пайтларида хўп қийналишган. Икки хонали уй, аспирантлик стипендияси, бунинг устига, кунда-кунора гоҳ Тошовуздан *(бизнинг юртимиз)*, гоҳ Самарқанддан *(Тоҳир ака ҳатирчилик)* меҳмон келади. Кимнидир касалхонага олиб бориш керак, ўқиш истагида бўлган кимнидир институт ёки университетга етаклаш зарур...

Эр-хотин бир-бирларига елкадош бўлиб ҳаётнинг турфа машаққатларини енгиб ўтишди, фарзандларини ҳам олий маълумотли қилишди. Бугун ҳаммаси оилали, яхши даромад келтирадиган касб-корлари ҳам бор. Бир этак набиралар катта хонадонга завқу сурур улашади.

Санобарнинг мутахассислиги эса кутубхоначилик. Ўз вақтида фидойилик билан меҳнат қилган, ҳозир нафақада. Оила бюджетига ҳар ойда яхшигина даромад тушса-да, у жуда оддий кийинади, яшаш тарзида ҳам кимдир кўрса, «Воҳ!» деб ҳайратланадиган манзара кузатилмайди. Кимлардадир ўхшаб ўғли алоҳида, келини алоҳида машинада юргани йўқ. Зиёлиларга хос камтарона, чиройли яшашади. Лекин уларнинг ҳайратдан ҳам кўра ҳавасларга лойиқ бир жиҳатлари бор: эр-хотин ярим дунёни кўриб бўлишди. Йилда бир-икки марта қўшни мамлакатларга ёки хорижий юртларга сафарга чиқишади.

Ўтган йили юртимизга – Туркманистонга Санобар билан бирга бориб келдим. Паспортини очиб қараб, рости, ҳавас қилдим. Туркия, Греция, Ҳиндистон, Франция, Германия, Хитой, Япония каби давлатлар муҳрлари... Чиндан ҳам, ярим дунёни кезиб чиқибди. Олтмиш деган чекка бир қишлоқнинг оддий мактабида ўқиган кутубхоначи аёл. Москва, Санкт-Питербург, Минск, Бишкек...

Хўш, дунё ичра дунёлар кўриб нима топди, дейсизми?

«Ўзбекистоннинг мева-сабзавотларидай ширин ноз-неъматлар ҳеч қайси юртда йўқ. Биз тўрт фаслда ҳам бошимиздан қуёш кетмаслигидан қувонишимиз керак».

«Ўзбекона меҳр-оқибатни соғиндим, ошни соғиндим...».

Ҳар гал сафардан қайтгач, йўқлаб борганимда ундан шунақа гапларни эшитаман. Бошқаларга ўргатадиганларимиз бўлганидек, ўрганадиганларимиз ҳам йўқ эмас. Ўртоғим қай бир давлатнинг тоза-мусаффолигини мақтаса, бошқа бирининг таълими, учинчисининг тиббиётдаги ютуқлари ҳақида сўз очади. Ўзи ўрганганларини оила аъзоларига татбиқ этади. Зеро, ҳақиқат қиёсларда кўринади. Устоз Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча»сига ўхшаб ҳеч қаерга чиқмасак, «Ҳаёт шу экан-да», деб ўтаверамиз. Қолаверса, дугонам денгизларда сузгани, тоғлар ва хушта-биат жойларда кўп юргани учун соғлом, руҳи тетик...

Қўнғироқ қилсам:

– Сайёҳларнинг султони, тоғдамисиз, боғдами? – деб ҳазиллашаман.

Кутганимдай, ё энди келган, ё жўнаётган, ё бирор гўзал масканда сайр қилиб юрган бўлади. Баъзан «Уйингда ўтирасанми, ўзи? Энам айтганидай, ўзимнинг уйимдан кўприкнинг таги яхши, дейдиган аёл бўлибсан-да», деб койиганга ўхшасам ҳам, аслида ёшлик, ўрта яшарлик, ҳатто, улуғ ёш чоғларининг ҳам бир қисмини меҳнат билан ўтказган ўртоғим ҳозир топган маблағини жуда ўринли харжлаётганига тан бераман.

СОЧИЛСА, КЎПАЯДИГАН БОЙЛИК

Бир гал хизмат сафари билан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига бордим.

– Банкдан кредит олиб хусусий кутубхона очган аёл бор, учрашасизми? – дейишди.

Учрашиш ҳам гапми, учиб бораман-ку ундай жойларга. Болалигимдан китоб, кутубхонани яхши кўрганим – бошқа масала. Пул топган ишбилармон борки, дўкон, ошхона, тўйхона, ёнилғи қуйиш шохобчаси, қисқаси, ишлатган пулини кўпайтириб берадиган манзилу маконлар қурган ёки қураётган бир даврда пулини кутубхона учун сарфлаган аёлни кўриш менга бошқача қувонч бағишлаши ўзимга аён-ку.

Туманнинг «Ўзбекистон» маҳалласида қурилган экан «Мумтоз» деб аталган кутубхона.

– Халқимиз «Ўқинг!» деган чақириққа интиқ бўлиб яшаган экан узоқ йиллар деб ўйлаяпман шу кунларда, чунки кутубхонамиз ҳамиша гавжум, – дея сўз бошлади уни барпо этган ихчамгина жуссали Гавҳарой Ҳусанова суҳбатимиз аввалидаёқ.

Иккинчи қаватнинг ярмидан зиёдини эгаллаган шинам, ёруғ хона. «Ўзбек адабиёти», «Жаҳон адабиёти», «Болалар адабиёти» каби бўлимларга бўлинган. Ҳатто, фанларга оид, яъни ёш ўғил-қизларга дарсларга қўшимча тарзда ўқиш тавсия этилган китоблар ҳам бор. Кунлар мижозлар ёшига қараб тақсимланган – Болалар куни, Ёшлар куни ва ҳоказо кунлар. Айниқса, Ота-оналар, бобо-бувилар куни мен учун янгилик бўлди. Кутубхонада турли тадбирлар ҳам ўтказилар экан. Мен борганимда «Энг кекса китобхон» танловига тайёргарлик кўрилаётган экан.

– Тошкентга йўлингиз тушганида бизникига кирсангиз, кутубхонамиздан китоблар совға қиламиз, – дедим Гавҳарой билан хайрлашаётиб.

Ёз ўрталарида эр-хотин бирга келишди. Эри роса қорайибди. Чой ичганда пешонасидан тер қуйилиб кетди.

– Ерга экин экиб, ҳосил етиштиряпмиз, – деди Гавҳарой. – Бу киши ёз қуёши нурининг бир толасини ҳам туширмай ўзларига оляптилар. Чунки кутубхонанинг кредитини тўлашимиз керак.

Мен аёлининг маънавий эҳтиёжига елкадош бўлиб яшаётган турмуш ўртоғини алқашга тушган эдим, Гавҳарой:

– Ўзи асли бу фикр қайнонамдан чиққан, – деб қолди.

Айтишича, қайнонаси Гулбаҳор ая бир умр мактабда сабоқ берган, нафақага чиққанида шахсий кутубхонасида мингтача китоб бўлган экан. «Келинжон, бу – хазина. Ундан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши керак. Ҳамма қандайдир тадбиркорлик билан шуғулланяпти. Биз эса зиёли инсонлар сифатида кутубхона очайлик», дебди.

Гавҳарой шу иши орқали элга танилди, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Лекин, ҳаммага маълумки, кутубхонага пул тўлаб кирилмайди, моддий даромади йўқ. Муҳими, бу хазинадаги китоблар ўқилгани сайин инсон тафаккурининг қоронғи бурчаклари ёриша боради. Оқни оқ, қорани қора кўрадиган равшан кўзлар кўпаяди. Бошқача айтганда, биз учун, умуман, инсоният учун зарурият ҳисобланган фикрий майдонлар кенгаяди, фикрсизлик торайиб боради.

Гулбаҳор аянинг таклифи билан келини йўлга қўйган тадбиркорликнинг нафи бошқаларга тегади. Мен бундай маънавий бойликни сочилса, кўпаядиган бойликка йўяман ва уни кўпайтириш йўлида фидойилик қилаётганларнинг топганларига барака беришни Яратгандан сўрайман.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Бу воқеага ҳам Сайхунободда гувоҳ бўлганман. «Бахмалсой» маҳалласида яшовчи Толибжон ҳожи Темировни кўпчилик танийди. Унинг Рустам исмли ўғлига жуфти ҳалол бўлган Дилафрўз Ортиқованинг Алишер исмли акаси спортнинг шашка тури бўйича довруқ қозонган.

Дилафрўз кичкинаси билан уйда ўтирган пайтлар эди. Бир куни қайнотаси «Нон ёпиб, сигир соғсангиз ҳам кун ўтади. Уй юмушлари орасида, келинг, бир қорин ғамидан юқорироқ, эсда қоладиганроқ иш қилайлик. Акангиз спортчи, кузатишимча, сиз ҳам шашкани яхшигина ўйнайсиз. Мен эса маҳалла болаларини кўп кузатаман. Аксарияти мактабдан сўнг кўча чангитиб юради. Келинг, биз шашка тўгараги очиб, уларни жалб қилайлик», деди.

Толибжон ҳожининг таклифи келинга ҳам маъқул бўлди. Шу тариқа отанинг шовуллаб турган тераклари кесилди, қурилишга нима керак бўлса, келтирилди. Кўп ўтмай, бир уй, бир даҳлиздан иборат мўъжазгина бино қад ростлади. Кейин ўриндиқлар, шашкалар келтирилди. Қарабсизки, бу ерга шашкага ишқибоз болалар йиғила бошлади.

– Машғулотларимиз бепул, тўгарак мақомида. Унга беш-олти ёшдан ўн тўрт-ўн беш ёшгача бўлган болаларни қабул қиламиз, – дейди Дилафрўз. – Машғулотлар синовдан ўтган қатъий дастурлар асосида олиб борилади. Шу боис «Бахмалсой» болаларининг кўпчилиги, жумладан, Озодбек Ўрмоналиев, Малика Нодиркулова каби шогирдларимиз шашка бўйича мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Ҳаммасиданам қувонарлиси, тўгарагимиз аъзолари тартиб-интизомга қатъий риоя қилишни, машғулотларга ўз вақтида тоза-озода кийиниб келишни ўрганишди. Шунингдек, дўстона рақобатлашишни, ҳалол ғалабага эришишни, мағлубиятга тан беришни, бундай фазилатлар нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам ҳамиша керак бўлишини англаб етишди.

Ҳам ота-оналарга, ҳам болаларга манзур бўлаётган бу ишлар Толибжон ҳожининг саховатидан бошланди. Сарфланган маблағ ўзини ўзи қоплагани шу эмасми аслида?..

САДОҚАТ – ҲАМИША ЗАМОНАВИЙ

Тошкентлик йигитдан эшитганман дўстлик китобига чиройли саҳифа бўладиган бу эзгулик ҳақида.

Ўн нафарга яқин қорасароийлик синфдошлар мактабдан кейин ҳам узилиб кетишмайди. Турлича касбкор, турлича мавқега эга бўлишса-да, бир-бирларидан доим хабардор бўлиб туришади. Аммо, тақдир экан, кутилмаганда улардан бири оғир хасталикка чалинади ва ҳар қанча даволатсалар ҳам вафот этади. Рафиқаси уч нафар фарзанди билан тул қолади. Қайнота ўтиб кетган. Ўгай қайнона эса келинни уйга сиғдирмайди.

Начора, жувон болаларини олиб, ижара уйга чиқади. Бир ўзи топгани энидан тортса, бўйига, бўйидан тортса, энига етмайди. Ўйлаб-ўйлаб, болаларини яқинларига бериб, хорижга бориб ишлашга қарор қилади. «Бу қароримдан мен ҳам, болаларим ҳам қийналишади. Лекин уларга ватан қилишим керак-ку!» дейди у ўзини қалтис йўлдан қайтармоқчи бўлганларга.

Кўп ўтмай собиқ синфдошлар воқеадан хабар топишади. Улар ўзаро йиғилишганда «Болалар отасиз қолгани етмагандай, энди онасиз ҳам катта бўлишсинми? Қолаверса, ёшгина жувон хорижга кетса, қисматида уни нималар кутиб турибди?» деган саволларни ўртага ташлашади. Пировардида ўзаро пул йиғиб ва дастлабки тўловини тўлаб, марҳумнинг фарзандларини ватанли қилишади. Шунингдек, кредитни қолганини ҳам навбатма-навбат тўлаш юзасидан келишиб олишади.

Дўстга вафо-садоқатнинг бу кўриниши қанчалар гўзал, қанчалар ҳаяжонга солади одамни. Сахийларни қанча алқасак ҳам, кўкка кўтарсак ҳам, уларнинг ўрнида бўлиш осонмас, янаям аниқроғи, ҳамма ҳам ўз пулини бировга беравермайди. Бунинг учун бошқачароқ одам бўлиш керак!

БИР КЎНГИЛНИ ОБОД ҚИЛИШ ҚАЪБА ЗИЁРАТИГА ТЕНГ

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида Муҳаббат исмли аёл бор. Умрининг кўп қисмини раҳбарлик лавозимларида ўтказган. У менга отаси ҳақида бир воқеани айтиб берганди:

– Ота-онам биз, фарзандларидан тинган, зиёрату саёҳат ёшларида эдилар. Акаларим уларни Ҳаж зиёратига юбориш учун маблағ йиғишаётган, навбат келишини кутиб, кун санаб юришган эди. Бир куни отам офтобрўёда ўтирса, қўшнимизнинг бошқа қишлоққа турмушга чиққан қизи ота дарвозаси олдида ўтирганмиш. Бир чиқсаям, ўша ерда эмиш, икки чиқсаям, ўша ерда эмиш. Ахийри олдига бориб, ҳолаҳвол сўрабди.

– Боламни зудлик билан операция қилиш зарур бўлиб қолди. Юрагидаги нуқсон ҳаёти учун жуда хатарли эмиш. Биласиз, ёт элга тушганман, бировдан пул сўрай олмайман. Манави уйда эса ака-укаларим туришади. Ҳар ҳолда, ўзимникилар бўлишгани учун уларни қора тортиб келдим. Лекин умидим қилдай. Чунки икки-уч нафар жияним контрактда ўқишяпти...

Аёл шундай деб кўзларидан дув-дув ёш тўкибди. Дадам:

– Улар бир уй бўлиб, бир ёққа кетишган, шекилли. Бизникига кириб бир пиёла чой ичиб туринг, – дебдилар-да, ўзи акамникига йўл олибдилар.

– Менга аталган пулинг қанча бўлди? – деб сўрабдилар.

Акам айтибди.

– Шу пул меникими? – деб сўрабдилар дадам.

– Ҳа, нимага сўраяпсиз? – акам ҳайрон бўлибди.

– Меники бўлса, ўзимга бер.

Акам дадамнинг нима ниятда пул сўраётганини билгач, озгина жаҳлланибдилар.

– Савоб олмоқчи эдик, – деб жизиллабди.

– Мен савобимни сенга бағишладим, – дебди дадам ва пулни олиб ҳануз ака-укаларини кутиб ўтирган аёлга келтириб берибди.

Ўша аёл «Болажоним сизнинг ҳимматингиз боис омон қолди», деб бир умр дуода бўлган экан. Муҳаббат опанинг отаси Ҳаж зиёратига бордими-йўқми, билмадим, лекин шу ҳиммати билан бир зиёратдан келадиган савобга эришган, деган ўйдаман.

ҲАММА ШУНДАЙМИКАН?..

Қорақалпоғистонга хизмат сафари билан борган-дим. Чойга ўтирганимизда:

– Оқидан ичасизми, қизилиданми? – деб сўрашди.

Аввалига англамадим, кейин ақлим етиб:

– Мен умуман ичмайман, сизларга ҳам шуни маслаҳат бераман, – дедим.

– Қўйсангиз-чи, шундай жойда ишлайсизу, ичмайсизми? – дея ҳайрон бўлишди.

Бу воқеага ҳам беш-олти йил бўлди. Эҳтимол, ўзгаришлар рўй бергандир. Лекин борди-келди қилиб юрган (синглим Берунийга тушган) қариндошларимдан эшитишимча, ҳали-ҳануз сархуш қиладиган ичимликлар тўй-тўйчиқларнинг катта харажат кетадиган қисмини ташкил этади. Тўй кунини белгилашдан аввал йиғилган шишаларни санашади. «Бунча қути ароқ, бунча қути коньяк бўлди. Яна мунча қути йиғишим керак», дейишади. Гўёки ўша заҳриқотил бўлмаса, тўйнинг нимасидир кам бўладигандек.

Аслида сархуш қилувчи ичимликни ичиб олганлар тўйнинг чиройига доғ туширадилар. Қай бирининг эсига биринчи муҳаббати тушади. Ўртада базмни қизитаётган хонанданинг олдига бориб, «Фалон ашулани айт!» деб тихирлик қилади. Ё рафиқасига кимдир кўпроқ қараб қўйса, рашки қўзиб, жазавага берилади. Ёхуд кимдир ўзидан қарз олгани эсига тушади. Бориб ёқасига ёпишади. Ана жанжалу мана жанжал. Кимдир «Тез ёрдам»га чопади, бошқаси мелиса чақиради... Пулга қиёмат сотиб олди, деганлари шу бўлса керак.

Атрофингизни кузатсангиз, ажабтовур воқеаларга дуч келасиз. Кейинги вақтларда Ғарбга тақлид бўлса керак, «MERRY MI» деган ғалати бир одат чиққан. Икки ёш бир-бирини ёқтириб, қуда-андалар ўртасида борди-келди бошлангач, куёв бўлмиш бир жойни ижарага олади. Стол шамлар, атроф шарлар билан безатилади. Яхшигина ҳақ эвазига келган мусиқачилар куй чалиб туришади. Куёв (баъзилари тиз чўкиб) қиздан «Менга турмушга чиқишга розимисиз?» деб сўрайди.

Ҳолбуки, рози-ризолик аллақачон бўлиб ўтган. Шундай экан, тўй арафасида турган, харажати ҳаминқадар оилага қўшимча харажат нега керак? Эҳтимол, топиш-тутиши яхши оилалар учун бу одатга кетган маблағ унчалик билинмас. Аммо «Келин кейинчалик юзимга солмасин», деб ўртаҳол оила фарзандлари ҳам шу ишни қилишяпти. Наҳот, шундай замонларга келиб ҳам беҳуда маблағ сарфлаш бориб турган нодонлик эканлигини тушунмаётган бўлсак...

Эҳтимол айрим кишилар бу гапларимни эшитиб, «Ҳа энди орзу-ҳавас-да», дейишар. Лекин орзу-ҳавасда ҳам маъни бўлгани яхши эмасми?!

Ғарбга тақлидан қилинаётган яна бир одат одамнинг ғашига тегади. Одатда, юзига доғ тушганда бизнинг келинчакларимиз қисиниб-қимтиниб, оила катталари, айниқса, отаси, акаси, қайнота, қайнбўйинлари кўзларидан чеккароқда юришган. Бу ҳолатда ўзимизга хос бир ҳаё-ибо кўринишлари бор. Аммо ҳозир аксарият ёшлар текширувдан кейин қўлига берилган тасвирни тантанали равишда эълон қиладиган одат чиқаришган. Бунинг учун икки тарафнинг одамлари йиғилишади. Албатта, ўртада дастурхон бўлади. Келинчак бир тарафида пушти, бир тарафида мовий шарлар тизилган йўлакдан юриб келади. Ва йиғилганларга яқинлашгач, шарлардан бирини ёради. Пуштини ёрса, қиз, мовийни ёрса, ўғил дегани бўлади.

Эҳтимол, пулхўрликдан бошқа номга муносиб бўлмаган бундай одатлар ҳозирча фақат шаҳарларда тарқалгандир. Хатарлиси, шаҳарларда бошландими, қишлоқларга ҳам, албатта, етиб боради. Бунга мисоллар жуда кўп.

Эҳтимол, бизга маъқул бўлмагани билан баъзи нарсаларни ўзгартира олмасмиз. Масалан, давлат шифохоналарида бериладиган емакларга ажратилган пулларга ҳам ичинг ачийди. Чунки аксарият ҳолларда бу таомлар бемазалигидан оғизга олиб бўлмайди. Беморларга уйидан овқат ташишади ё кўчадан олиб тановул қилишади. Идиш-идиш суюқ ва қуюқ овқатлар шундайлигича чиқинди челагига ағдарилади. Бирор киши «Ахир, уларга давлат пули кетяпти, озроқ бўлса-да, ейиш мумкин бўлган таом пиширайлик», демайди. Балки бунинг ўзига яраша сабаблари бордир. Шу боис мен ушбу масалага чуқур кирмоқчи эмасман, Лекин ҳар гал бирор сабаб билан шифохонага борганимда челак-челак ташландиқ овқатларни кўриб, кайфиятим бузилади.

Маҳаллаларда экилган ниҳолларни кўрганимда ҳам шундай ҳолатга тушаман. Маҳалла ўз ҳисобидан (Албатта, бу ҳам давлатнинг пули) эрта баҳорда кўчат тарқатади. Улар экилади, бир-икки марта сув ҳам қуйилади. Кейин қурий бошлайди. Одамлар уйидан сув олиб чиқиб, суғормайди. Чунки хонадонида ўлчагич бор, бошқа сув манбаси эса йўқ...

Боя айтганимдай, ҳуда-беҳуда ҳавога совурилаётган маблағлар ҳақида ўйлаб, сарф-харажатни жойига қўйиш фуқаро имконидаги иш эмасдир, аммо «MERRY MI» ва ҳали туғилмаган гўдак жинсини тантанали суръатда эълон қилишдек ножўя одатлардан воз кечиш ўзимизга, ўз хоҳишимизга боғлиқ. Бу ишни эса уддаласак бўлади.

Мустақил давлат ақл, билим, идрок билан бошқарилади. Фуқаролар ҳам шу даражага етсагина, жамиятда ижобий силжишларга янада кенг йўл очилади. Ўзимизни ўзимиз ислоҳ қилсаккина, амалга оширилаётган ислоҳотлар самара беради.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

KO‘ZGU

2024-YIL 31-OKTABR, PAYSHANBA
№ 131 (5039)

Ажиниёз таваллудининг 200 йиллигига

ЖАҲОНШУМУЛ ШЕЪРИЯТНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Ажиниёз Қўсибой ўғли (тахаллуси Зевар) қорақалпоқ ёзма адабиётини янгилаган, унга мумтоз Шарқ шеъриятининг илғор анъаналарини олиб кирган, ўз халқи шеъриятини жаҳон адабиёти даражасига кўтарган шоирдир. У ёшлигида мадрасада жаҳон адабиёти намояндалари Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий каби алломалар ижодини теран ўрганган, ўз элининг баркамол истеъдоди, билими, тафаккури, онгу шуури, виждони бўлган буюк сиймодир.



Котиблари олар китоб-қаламин,
Бир-бирига берар Тангри саломин,
Хожа Ҳофиз, Навоийдан каломин
Олган неча мулла-толиби бордур.

Ажиниёз лирикасининг бош мавзуси – Ватан, эл-юрт таърифи. Шоир ўзи туғилиб ўсган юртнинг гўзал манзараларини, меҳр бериб улғайтирган она халқи фазилатларини бебаҳо ташбиҳлар билан мағрур тараннум этган. Шу боис «Элларим бордир» шеъри қорақалпоқ халқи биргаликда куйлайдиган умумий қўшиққа айланган:

Ёлғон сўзни рост деб сира айтмаган,
Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,
Номаҳрамни сира йўлдош тутмаган,
Номи Қорақалпоқ элларим бордир.

Кимки қорақалпоқ халқининг тарихи, олийжаноб фазилатлари, одоб-ахлоқи, характери қандай эканини билишни истаса, аввало, Ажиниёз шеърларини ўқиши зарур. Шу маънода шоир асарларини яхлит ҳолда қорақалпоқ элининг энциклопедияси дейиш мумкин. Унда қадимги уруғлар, овулу шаҳарлар, тарихий шахслар номлари, балиқлар, жониворлару ўсимликлар олами, миллий урф-одатлар, ҳатто кийимлар, аёллар тақинчоқларигача, хуллас, шу миллат ҳаётига, маданиятига, маънавиятига, руҳиятига дахлдор ҳамма-ҳамма нарса қаламга олинган:

Номи машҳур очамайли-қиётда,
Қўлдовли-мийтану бор қўнғиротда,
Хитой, қипчоқ, кенегесу, мангитда,
От кўтармас белли беклари бордир.

Ажиниёзнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари бадиий образларнинг ниҳоятда ёркин ва жозибадор экани, тасвирларнинг қабариб, бўртиб туриши, манзараларнинг гўзал ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шоир қўллаган сўзлар ранглари ва жилолари кўнгилни завқлантиради, тасаввурни бойитади. Масалан, «Қирмизи» шеърида қизнинг сулувлиги шундай таърифланади:

Ер ларзага тушар йўлга чиққанда,
Тоғлар ҳам йўл берар кулиб боққанда,
Сирға тақиб, талла ҳайкал таққанда,
Ани солган қулоқлари қирмизи.

Қизнинг гўзаллигидан ҳаяжонланган ернинг ларзага тушиши, қиз кулиб боққанида тоғларнинг йўл бериши Ажиниёз сўз санъатининг ноёб намуналаридир. Таққан зеб-зийнатлари, тақинчоқлари қизнинг чиройига чирой қўшади, деган фикрни Ажиниёз биргина «қирмизи» сўзида умумлаштиради. Шеърда барча образлар «қирмизи» сифат билан уйғунлашган. Қизил, ўта қизил, қип-қизил ранг сифатини ифодаловчи «қирмизи» деган сўз маъноси янада теранлашиб, «гўзал», «чиройли», «жозибадор», «сержило» каби сўзларни ифодалайди. Бундан ташқари, бу образ қизнинг ҳолатини ҳам кўрсатади, яъни тилла ҳайкал (зеби гардан) ва сирға таққанида тўлқинланиб, хурсанд бўлганидан қизнинг қулоқлари қизариб, қирмизи бўлиб кетади, деган нозик ишора бор шеърда.

Умуман, «Қирмизи» номли ушбу шеър дунёдаги энг моҳир рассом чизган тасвирий санъат асарига ўхшайди. Қирмизи сўз рангининг жилолари соҳибжамол қизнинг ҳусни жамолини мутлақо янгича усулда тасвирлайди.

Суйрук савсағинда феруза узук,
Ингичка беллари бир қисим, нозик,
Ҳар қўлида олтин-кумуш билакузук,
Мастона солланган қизлари бордир.

Ажиниёз шеърларида қорақалпоқ тилининг бойлиги, гўзаллиги намоён бўлади. Таржимон ҳам, ўқувчи ҳам янги сўзларни ўрганади, қорақалпоқ тилининг латофати ва фасоҳатига қойил қолади. Мен қиз боланинг ингичка, узун, чиройли бармоқлари «Суйрук савсақ» дейилишини Ажиниёз шеърини ўқиб, таржима қилиб билдим. «Бармоқ» деган қадимги туркий сўзнинг яна бир синонимини Ажиниёз қандай ёзган бўлса, шундай қолдириш шарт эди... «Ингичка», «нозик» сўзлари маънодош шакллари билан бир неча бор такрорланган ва шеърга бадиий жило бахш этган...

Ажиниёз сўзга чечан, тасвирга уста шоир. Халқ тилидаги ҳикматли иборалар, дилидаги олийжаноб туйғулар, орзу-армонлар шоир қаламида чархланиб, оҳанрабо шеърларга айланади.

Ошиқ - ёрсиз, булбул - гулсиз,
Кийик - чўлсиз, сўна - кўлсиз,
Зевар айтур, юртсиз, элсиз
Одам бир девона менгзар.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган, бошидан мушкул синовларни кечирган Ажиниёз эл-юртини, фарзандларини огоҳликка даъват этади. Ватан, эл-юрт, соғлиқ-омонлик, тинчлик қадрини билишга ундайди. Халқона оҳангдаги қуйма мисралар ўқувчи юрагидан чуқур жой олади:

Одам ўғли ҳаргиз ғофил бўлмасин,
Қизил гули ғунчаланиб сўлмасин,
Оқ юзига сарғиш қайғу тўлмасин,
Ҳоли қийин қанотидан қайрилса.

Сатрлардаги сифатлар гармонияси – қизил, оқ, сариқ рангларнинг ялт-юлт этиб рақсга тушиши тиниқ манзараларни тасаввурда аниқ кўрсатади. Шодлик ва қайғу каби руҳий ҳолатлар миллий амалий санъат анъаналари асосида тасвирланади. Қорақалпоқларнинг ўтовларини безаган кашталар, ранг-баранг ипаклар, нақшлар бу халқнинг турмуши, орзу-ниятлари, дарду армонлари ҳақида ҳикоя қилганидек, унинг шеърияти ҳам тимсоллар, ранглар, сифатлар орқали сўзлайди.

Ажиниёз шеърларининг тили бой. Халқ урф-одатлари, ҳаёт тарзи, қадимий анъаналари маҳорат билан қаламга олинади.

Қиз Менгеш, мол сеники, қалай этсанг,
Келмайман аччиқланиб қайтиб кетсам.
Учинсам, тузаларман уч кун ётиб,
Ўзингдай кекса қизга учуқлатсам.

Ёш бола шамоллаб, тоби қочганда, ваража қилиб лабига учуқ тошганда қари кампир боланинг учуқ тошган лабини тишлаб, гўёки, учуқни «узиб» олади, сўнг бола тузалади. Ана шу эски одат шеърда гўзал ифодаланган. Шоир айтишувда қиз Менгешни мот қилган.

Куз бўлиб, мезон тушса, қайтар кийик,
Мерганлар кийик овлар чўқай кийиб.

«Чўқай» дегани эчкининг терисидан ишланган пойабзал. Уни кийган овчининг оёқ товушлари эшитилмайди, ҳам турли тиканлардан, чағир тошлардан сақланади.

Кам эмасман қизил тилга Шерниёздан,
Қўлузлиқ олиб кетсам сендай қиздан.
Олтиндан ҳайдари бор ул туғарсан,
Кўзи сўйиб, дуо олсанг Ажиниёздан.

Бу сатрда чорвадор халқнинг удуми ифодаланган. Кўлузлиқ – мол сўйган қассобга гўштдан бериладиган меҳнат ҳақи, қўл ҳақи, сўйилган сўқимдан бериладиган улуш. Шоир чечанлик билан қиз Менгешга жавоб беради, айни пайтда, меҳрингдан, севгингдан менга улуш бергин, деган гапни усталик билан айтади.

Шоир ижоди олимлар томонидан кенг ва теран ўрганилган. Қорақалпоқ адабиётида Ажиниёз образи яратилган асарлар кўп. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Караматдин Султоновнинг «Ажиниёз» романини китобхонлар севиб мутолаа қилиб келишмоқда. Қорақалпоқ халқининг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг «Ажиниёз» опера-либреттоси эса неча йиллардан буён саҳнада ижро этилмоқда.

Ажиниёз шеъриятидан таъсирланган, у яратган янги образлар, янги оҳанглар ва янги шакллардан баҳраманд бўлиб, янгиликка интилган истеъдодли шоирлар ва адиблар кўп.

Ажиниёзнинг «Бир жонон» шеъри бадиий образлари ва оҳанги билан машҳур:

Кўзимга кўриниб, беклар, бир жонон
Ширин жоним ўтга ёқди-да кетди.
Ёлғони йўқ, бу сўзимга сен инон,
Минг жилва ноз айлаб, боқди-да кетди.

Ибройим Юсупов «Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан» номли шеърида Ажиниёзнинг «Бир жонон» шеъри оҳангидан фойдаланган яққол сезилади. Ибройим Юсупов улуғ Ажиниёз образини юксак бадиий маҳорат билан ифодалаган ушбу мумтоз шеърни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек тилига таржима қилган:

Созин сабо ёдлаб, сўзин ел билган,
Бир шоир дунёга келди-ю кетди.
Мажнунтол ортидан ойга термилган
Бир дилбар тушимга кирди-ю кетди.

Ушбу таржимадаги «Бир шоир дунёга келди-ю кетди», «Бир дилбар тушимга кирди-ю кетди» сатрлари қорақалпоқ тилидаги аслиятда «Бир шайир дуняға келди-да кетти», «Бир дилбар тусима энди-да кетти» деб ёзилган.

Машҳур шоирларнинг ижод лабораториясини кузатсангиз, буюк шоирлар ижодидан кейинги авлодлар таъсирланишларини, илҳомланишлари ва уларга эргашишларини кўриш мумкин.

Устоз Абдулла Орипов туғишганим деб ардоқлаган яқин дўсти Ибройим Юсупов вафот этганида унга бағишлаб шундай ҳикматли сатрларни битган эди:

Кимгадир насиб қилса гар дунё,
Бундоқ яшардим деб надомат этди.
Кимгадир бу армон керакдир, аммо
Ибройим Юсупов бир келиб кетди.

Бу шеърда теран фалсафа, чуқур мазмун, оддий, аммо буюк ҳаётий ҳикмат бор. Аммо шу фикр аниқ, Ажиниёзнинг «Ширин жоним ўтга ёқди-да кетди», Ибройим Юсуповнинг «Бир шайир дуняға келди-да кетти», Абдулла Ориповнинг «Ибройим Юсупов бир келиб кетди» сартларида умумий ўхшашлик, бадиий бутунлик бор.

Ўз умри давомида умрбоқий шеърият яратган буюк шоирлар ҳақида ана шундай ўлмас шеърлар ёзилади. Тирикларга доимо ибрат бўладиган бундай шеърларни ёзган шоирларнинг сўзи ҳеч қачон ўлмайди. Ажиниёз ҳам, Ибройим Юсупов ҳам, Абдулла Орипов ҳам ана шундай умрбоқийликка дахлдор шоирлардир.

Ибройим оға Ажиниёз шеъриятининг умрбоқийлигини фавқулодда гўзал, таниқли қорақалпоқ шоири Соғинбой Иброҳимов таъбири билан айтганда, «Юлдузлар ёдлаб олади»ган даражадаги ташбиҳлар билан тасвирлайди:

Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,
Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,
Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,
Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан.

Ҳа, Ажиниёз шеърлари янграганда, юлдузлар лолу ҳайрон бўлиб, ерга қараб қолади, Ажиниёз шеърлари ўқилганда, ёмон шоирлар хом-хатала, ғализ шеърлар ёзганидан уялиб қолишади.

Ҳа, Ажиниёз шеърлари бамисоли Исо Масиҳ нафасидек жонсиз вужудларни тирилтириб юборади. Ибройим Юсуповнинг «Агар ўлганимда мени тирилтирмоқчи бўлсанг, сен Ажиниёзнинг қўшиқларини айтгин» деган сўзлари ниҳоятда чуқур ва кенг мазмунга эга.

Токи, Ажиниёзнинг шеърларини ёш авлод ёд олиб ўқишда давом этар экан, адабиёт ўлмайди, миллат ўлмайди, Ибройим Юсуповга ўхшаган ватанпарвар шоирлар ўлмайди. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон айтганидек, «Адабиёт яшаса – миллат яшайди».

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Караматдин Султоновнинг «Ажиниёз» романи шоирнинг қуйидаги мисралари, эл-юрт, миллат тақдири ҳақида қайғуриб чеккан оҳу ноласи билан якунланган:

Бу не қайғу, бу не замон,
Юролмадим дарддан омон.
Зору гирён чекдим афғон,
Ақлу ҳушим лол бўлади.

Юролмадим ўйнаб кула,
Мажнун каби чиқдим чўла,
Кеча-кундуз қайғу била,
Алиф қаддим дол бўлади.

Бугун қорақалпоқ халқининг ўйнаб-кулар бахтли замони келди. Ўз юртини жондан севган Ажиниёзнинг армонлари ушалди. Янги замонда Қорақалпоғистонда, Ажиниёз туғилиб камол топган Мўйноқ, Бўзатов туманларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шарофати билан шу заминда яшаётган эл қаддини тик тутиб, мағрур юрибди. Ана шу бахтли, саодатли замонда Ажиниёз – шоир Зевар шеърлари мумтоз адабиётимиз хазинаси, қорақалпоқ адабиёти дурдоналари билан бирга, халқнинг нурли келажагини, янги давр тараққиётини барпо этиш йўлида маънавий асос бўлиб хизмат қилаверади.

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири

Саломатлик бекати

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ЯССИОЁҚЛИК БЕЗОВТА ҚИЛЯПТИМИ?

Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори ўринбосари, олий тоифали травматолог-ортопед Неъматжон ХЎЖАБОЕВ билан болаларда учрайдиган турли ортопедик касалликлар, уларнинг сабаблари ҳамда даволаш усуллари ҳақида суҳбатлашдик.

– Неъматжон Озодович, дастлаб ҳозирги кунда айрим ота-оналарни жиддий ташвишга солаётган ортопедик касалликлар, уларнинг турлари ҳақида маълумот берсангиз...

– Ёш авлоднинг жисмонан соғлом улғайишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда эътиборсизлик оқибатида турли оғир асоратларни келтириб чиқарувчи бир қатор ортопедик касалликлар мавжуд. Улар сирасига туғма маймоқлик, сон суягининг туғма чиқиши ва яссиоёқликни киритиш мумкин. Хусусан, биргина туғма маймоқликнинг ўзи ҳар минг нафар боланинг уч нафарида учрайди. Сон суягининг туғма чиқиши касаллиги ҳам деярли худди шундай рақамлар билан кузатилади. Яссиоёқлик эса икки хил – туғма ва орттирилган бўлади. Туғма яссиоёқлик кам учрайди. Ушбу касалликнинг орттирилган тури эса бизда салмоқли даражани ташкил этиб, бугунги кунда болалар саломатлигидаги жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

– Хўш, унинг салбий жиҳатлари нимада кўринади?

– Ушбу касаликка чалинган беморда ясситовонлик билан бир пайтда оёқ панжасининг қийшайиши юзага келади. Бу бир вақтнинг ўзида бола организмидаги бошқа аъзолар, жумладан, суяк системасининг тизза бўғимида, чаноқ сон бўғимида, умуртқа поғонасида ҳам қийшиқликлар келтириб чиқариб, ўзга хасталикларга ҳам сабаб бўлади.

– Ясситовонликни қандай аниқлаш мумкин?

– Энг аввало, клиник текширув ўтказилади, жумладан, боланинг ҳар иккала оёғи бир-бирига солиштирилади. Асосан оёқнинг пастки қисмида юзага келадиган таг гумбази нормал ҳолатда 127 градусдан иборат бўлса, яссиоёқликда эса теп-текис ҳолат, яъни 180 градусни ташкил этади.

Ясситовонликни аниқлашнинг яна бир қулай усули рентгенография ҳисобланади. Шунингдек, компьютер подаметрия асбоби ёрдамида ҳам аниқланади. Бу турдаги усул хавфсиз, тез ва сифатли бўлиб, бола саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Текширув натижасида боланинг аҳволи юзасидан аниқ хулосага келинган ҳолда ортопедик оёқ кийимда юриши кераклиги ёки махсус ортопедик мосламаларга таяниш лозимлиги, шунингдек, физиотерапик муолажалар олиш ва даволаниш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилади.

– Хасталикнинг асоратлари нималарда кўринади?

– Нормал ҳолатдаги инсон гавдаси оғирлигининг 65-70 фоизи товонга, 35-40 фоизи эса оёқ панжасига тушиши керак. Яссиоёқликда беморнинг товон қисми мутлақо текислиги сабабли унга тушадиган тана вазни оғирлиги ҳам анча юқори бўлади. Оқибатда оғирлик мувозанати бузилиши ҳисобига турли асоратлар пайдо бўлади. Масалан, юрганда чарчаб қолиш, узоқ муддат юриш давомида бош оғриғи пайдо бўлиши ва ривожланиши кузатилади.

– Яссиоёқлик ривожланиб кетмаслиги учун қандай профилактик чораларни қўллаш зарур?

– Биринчи навбатда, ҳар бир аёлдаги ҳомиладорлик давринг мўътадил ва соғлом кечишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кузатилиши мумкин бўлган турли касалликлар, жумладан, камқонлик, витаминлар етишмаслиги, рахитга қарши ўз вақтида, шифокор-мутахассислар назоратида профилактик чора-тадбирлар амалга оширилса, бола юриб кетишидан аввал касалликнинг авж олишига йўл қўйилмайди.

Одатда орттирилган яссиоёқликнинг олдини олиш мумкин. Махсус реабилитацион чоралар касалликнинг оғир кўринишига ўтиб кетишига йўл қўймайди. Яссиоёқликдан қийналаётган болани тез-тез ортопед кўригидан ўтказиб туриш лозим. Ва ҳолатдан келиб чиқиб, йилига икки марта консерватив даво чоралари кўрилади. Бунда мушакларни рағбатлантирувчи электр ва ультратовуш усуллари, контраст душ, сувости массажлари, даволаш гимнастик курслари қўлланилади. Оёқ шаклидан келиб чиққан ҳолда шифокор ортопед тавсия этган патак-супинаторларни пойабзалга қўйиш қатъий талаб этилади. Даво гимнастикалари ҳам деярли ҳар куни бажариб турилса, тузалиш эҳтимоли ортади.

Гулноза УМИРОВА
суҳбатлашди

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:50
Topshirildi – 23:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 021 ta
Shundan:
7 139 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6